

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА,
АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**
Тошкент ахборот технологиялари университети
Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 681.03

Сейтимбетов Даулетяр Мамбетярович

**MAPLE тизимида магнитоэластик масалаларини
моделлаштириш**

«5А330201 – Компьютер тизимлари ва тармоқларнинг дастурий
таъминоти»

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

техника фанлари номзоди

Айтмуратов Б.Ш.

Нукус-2014

АННОТАЦИЯ

Мавзунинг долзарблиги. Магнитэластик назариясида механик майдон билан электромагнит майдонларнинг ўзаро таъсири, жумладан, электромагнит майдонда жойлашган юпка эгилувчан пластинканинг тебраниши ўрганилади. Пластинканинг шакли мураккаб бўлган ҳолларда масалаларни ечиш қийинлашиб кетканлиги сабабли бундай турдаги масалалар ўрганилмаган.

Ишнинг мақсади: мураккаб шаклли магнитэластик юпка пластинкаларнинг тебранишини математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибаларини олиб бориш учун MAPLEда дастурий таъминотини яратиш.

Тадқиқот объекти ва предмети: тадқиқот объекти магнитэластик назарияси бўлиб, илмий тадқиқот предмети – электромагнит майдондаги юпка эгилувчан пластинкаларнинг ўзаро магнитстатик, динамик деформацион жараёнларини математик моделлаштириш.

Тадқиқот усуллари: ҳисоблаш эксперименти ва математик моделлаштириш методологияси, вариацион усуллар, R-функция усули, сонли усуллар.

Ишнинг илмий янгилиги.

- В.Л.Рвачевнинг R-функцияси ва Бубнов-Галеркин усулларининг комбинацияси асосида қаралаётган предмет соҳасида тадқиқот доирасини кенгайтирадиган умумлашган дискрет модели олинди;
- Мураккаб шаклли магнитэластик пластинкаларнинг тебраниш масаласини ечишда ҳисоблаш тажрибаларини юритувчи MAPLE да дастурий таъминот яратилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар лойиҳалаш олди ишларида лойиҳалаш институтларида, радиотехникада, электротехникада қўлланиши мумкин.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация иши кириш, 3 та боб,

хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари: Мураккаб шаклли юпка пластинкаларнинг тебранишининг математик модели, ҳисоблаш алгоритми ва MAPLE тизимида дастурий таъминоти яратилди.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Магнит майдонида жойлашган юпка пластинкани тебраниш жараёнларини ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди.

THE SUMMARY

Relevance of the work. Magnetoelasticity studies the interaction of mechanical field and the electromagnetic field, in particular the movement of thin plates in a magnetic field. Complex configuration area of the plate in a magnetic field, is unexplored.

The target and task of the research. The aim is mathematical modeling oscillation magnetoelastic thin plate with a complex configuration and software development tools allow to produce computational experiments on the system MAPLE and for this purpose the following tasks;

Object and subject of the research: The study is magnetoelasticity. Subject of study - mathematical modeling of deformation of statics and dynamics of the interaction of elastic thin plates in an electromagnetic field.

Methodology and method of the research: methodology of mathematical modeling and numerical experiments, variational methods, the method of R-functions, numerical methods.

Scientific novelty of the work are:

- Developed a discrete model describing the process of vibration of a thin plate of complex configuration in an electromagnetic field;
- A software package allowing computational experiments to study the magnetoelastic behavior of thin plates with complex shapes;
- Results of computational experiments with the new challenges vibrations of thin plates having complex configurations.

Scientific and practical significance of the study.

The results can be used during pre-calculations in the design institutes, in radio engineering and electrical engineering

The composition of the work. The dissertation consists of an introduction, three chapters, general conclusions and findings, list of references and applications.

The main results of the work performed. Developed mathematical

model, computational algorithm magnetoelasticity vibrations of a thin plate of complex configuration and the software on the system Maple.

Epitomized by the conclusion and suggestion. The results can be used during pre-calculations in the design institutes, in radio engineering, electrical engineering, etc.

Мундарижа

Кириш.....	7
1 боб Магнит эластик масаласи.....	11
1.1. Магнит майдонида жойлашган юпқа пластинка учун тебраниш масаласининг асосий тенгламалари	11
1.2. Асосий чегаравий шартлар учун структура ечимлари.....	17
1.3. Координат функциялар кетма-кетлигини куриш	21
2 боб Магнит эластик масаласининг ҳисоблаш алгоритми	28
2.1. Электромагнит майдондаги юпқа пластинка тебраниш масаласининг ҳисоблаш алгоритми	28
2.2. Maple тизимида дастур тузилиши	32
2.3. Maple тизимидаги дастурни ишга тушириш.....	43
3 боб Ишлаб чиқилган тизим ёрдамида ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш.....	51
3.1. Ишлаб чиқилган дастурий таъминотнинг тўғрилигини асослаш.....	51
3.2. Maple тизимида магнитстатик масалани ечиш	56
3.3. Магнит эластик масаласин maple ёрдамида ечиш	62
Хулоса	74
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	75
Иловалар.....	77

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Кейинги вақтларда физик майдонлар ўзаро таъсирларининг математик моделларини яратиш кўпчиликнинг кизиқишини ўйғотмоқда. Шундай тадқиқотлар йуналишининг бири – магнитэластик назарияси бўлиб, бу назарияда механик майдон билан электромагнит майдонларнинг ўзаро таъсири ўрганилади, жумладан, электромагнит майдонда жойлашган юпка эгилувчан пластинканинг тебраниши тадқиқ қилинади. Бундай турдаги масалаларни ечишда энг асосий омиллардан бири пластинканинг конфигурацияси ҳисобланади. Классик шаклга эга бўлган (доира, туғри тўртбурчакли ва ҳакозо) пластинкаларнинг тебранишларини тадқиқ қилиш билан кўплаб машҳур олимлар ва мутахассислар иш олиб боришган. Пластинканинг шакли мураккаб бўлган ҳолларда эса масалаларни ечиш қийинлашиб кетканлиги сабабли бундай турдаги масалалар ўрганилмаган.

Иккинчи томондан, математик моделлаштириш усулларида кенг равишда фойдаланиш назарий тадқиқотларнинг умумий солоҳиятини ошириб ва уни экспериментал тадқиқотлар билан биргаликда олиб боришга ёрдам беради. Математик моделлаштиришда объектнинг (жараённинг) ўзи билан эмас балки объектнинг математик модели билан иш олиб борилганлиги сабабли, ҳеч қанақа харажатларсиз тадқиқ қилиниётган объект ҳоссаларини тез вақтда аниқлаб, пластинканинг ҳар хил вазиятдаги ҳолатини ўрганади. Шу билан бирга математик моделлар устида олиб бориладиган ҳисоблаш тажрибалари (компьютер, имитацион) замонавий ҳисоблаш усуллар ва техникалар асосида олиб борилади, бу эса ўз навбатида объектни нафақат назарий томондан балки ҳар томонлама чуқур ва тўлиқ ўрганишга ёрдам беради.

Замонавий техник қурилмаларининг конструктив элементлар асосини юпка пластинкалар ташкил қилади. Шу сабабли мураккаб шаклга эга

бўлган электромагнит майдонда жойлашган юпқа пластинкаларнинг тебраниш масаласи математик моделларини яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундай масалалар электромагнит майдоннинг таъсирида магнитли ҳимоя экранларини яратишда, замонавий ўлчов асбобларини ишлаб чиқаришда, ҳисоблаш техникаси қурилмаларини яратишда учрайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электромагнит майдонда жойлашган юпқа пластинкаларнинг тебраниш масаласини математик моделлаштиришда эластиклик назарияси ва электромагнит майдоннинг уч ўлчовли масаласига олиб келинади. Бу масала хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва уларга мос чегаравий, бошланғич шартлардан иборат бўлади. Ушбу кўринишдаги масалаларни ечиш учун бир қанча алгоритмлар яратилишига қарамастан амалий масалаларни ечиш муаммолигича қолмоқда. Амалиётда бундай масалаларни ҳар хил усуллар ёрдамида соддалаштиришларга олиб келинади. Масалан, ҳар хил гипотезаларни қўллаш орқали, аналитик ва тақрибий усулларни ишлатиш ёрдамида амалга оширилади. Магнитэластиклик назарияси ва уни ечиш масалалари билан кўплаган машҳур олимлар шуғулланган: С. Калисский, А.В. Селезов, Х.А. Рахматулин, В.К. Кабулов, Ю.С. Шкенеv, С.А. Амбарцумян, М.В. Белубекян, Г.Е. Багдасарян, А.В. Мольченко ва ҳакозо[1,2,5,6,8,9,11-14].

Магнитэластик масалаларининг классик шаклга эга (доира, туғри тўртбурчакли ва ҳакозо) пластинкаларнинг тебраниш масаласини ечиш усулларининг кўп бўлишига қарамасдан, магнитэластик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири магнит майдонида жойлашган мураккаб шаклли юпқа пластинкаларнинг динамик хусусиятларини ўрганадиган масалаларни ечиш ҳозиргача ҳам муаммо бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мақсади: мураккаб шаклли магнитэластик юпқа пластинкаларнинг тебранишини математик моделлаштириш ва ҳисоблаш

тажрибаларини олиб бориш учун MAPLEда дастурий таъминотини яратиш.

Тадқиқот вазифалари:

- мураккаб шаклли юпка пластинка тебраниши масаласи учун ҳисоблаш алгоритминини яратиш;

- мураккаб шаклга эга юпка пластинка тебраниш масаласида ҳисоблашни автоматлаштирувчи дастурий таъминот яратиш;

- олинган натижаларни, дастурий таъминотнинг ишлашинини ва ҳисоблаш алгоритм тўғрилигинини асослаб бериш;

- мураккаб шаклга эга юпка пластинканинг тебраниш масаласинини тадқиқ қилиш бўйича ҳисоблаш тажрибаларинини ўтказиш;

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти магнитэластик назарияси бўлиб ҳисобланади. Илмий тадқиқот предмети – электромагнит майдондаги юпка эгилувчан пластинкаларнинг ўзаро магнитстатик, динамик деформацион жараёнларинини математик моделлаштириш.

Тадқиқот усуллари: ҳисоблаш эксперименти ва математик моделлаштириш методологияси, вариацион усуллар, R-функция усули, сонли усуллар.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотлар олиб бориш натижалари бўйича илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- В.Л.Рвачевнинг R-функцияси ва Бубнов-Галеркин (Ритц) усулларининг комбинацияси асосида қаралаётган предмет соҳасида тадқиқот доирасинини кенгайтирадиган умумлашган дискрет модели олинди;

- мураккаб шаклли магнитэластик пластинкаларнинг тебраниш масаласинини ечишда ҳисоблаш тажрибаларинини юритувчи MAPLE да дастурий таъминот яратилди;

- электромагнит майдондаги мураккаб шаклли пластинкаларнинг тебранишинини ҳисоблашда олинган натижалари.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишлаб чиқилган математик модел, яратилган ҳисоблаш алгоритми ва Maple тизимидаги дастурий таъминот янги мураккаб шаклли магнитэластик масалаларини ечишда ишлатиш мумкин. Олинган натижалар лойиҳалаш олди ишларида лойиҳалаш институтларида, радиотехникада, электротехникада, махсус техник йуналишидаги олийгоҳларда ўқув жараёнида қўлланиши мумкин.

Ишнинг апробациядан ўтиши. Диссертация бўйича олинган натижалар қуйидаги конференциялар ҳамда илмий семинарларда муҳокама этилиб маъқулланган: Магистрлар илмий ишлар тўлами (Нукус, 2014 й.), «21 аср интеллектуал авлод асри» илмий конференцияси (Нукус, 2014 й.), Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали «Ахборот технологиялари» кафедраси семинари (Нукус, 2013-2014).

Натижаларнинг эълон қилингани. Диссертация ишининг мавзуси бўйича 3 та илмий мақола ва маъруза тезислари эълон қилинган (шундан 1 таси илмий журналда, 2 таси конференциялар маърузалари тезисларида чоп этилган).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I- БОБ. МАГНИТ ЭЛАСТИК МАСАЛАСИ

1.1. Магнит майдонида жойлашган юпка пластинка учун тебраниш масаласининг асосий тенгламалари

Изотроп, эгилувчан, қалинлиги $2h$ га тенг бўлган юпка пластинка электр токини ўтказувчан материалдан тайёрланган бўлиб, олдиндан берилган магнит кучланишларга эга магнит майдонида жойлашган. Ташқи ток ва зарядлар мавжуд эмас. Электромагнит майдон вақт бўйича секин ўзгаради[1,2].

Пластинка декарт координат x_1, x_2, x_3 системасида шундай жойлашганки ўрта текислик x_1, x_2 билан устма – уст тушади.

Магнит майдонида жойлашган юпка пластинка учун математик модели Гамильтон-Остроградский вариацион томоили[1] ва Максвелл тенгламалари кўринишидаги электродинамика тенгламалари асосида олинади [2,3].

Пластинканинг тебраниш тенгласини Ляв [1,5-6] ва магнит эластиклик гипотезси ёрдамида келтириб чиқарилади

$$\begin{aligned} u_1 &= -x_3 \frac{\partial w}{\partial x_1}, u_2 = -x_3 \frac{\partial w}{\partial x_2}, u_3 = w(x_1, x_2, t), \\ e_1 &= \varphi(x_1, x_2, t), e_2 = \psi(x_1, x_2, t), h_3 = f(x_1, x_2, t). \end{aligned} \quad (1.1.1)$$

Бу ерда W -номаълум бўлган пластинканинг урта текислигининг кўчиши, $\varphi = \varphi(x_1, x_2, t)$, $\psi = \psi(x_1, x_2, t)$, $f = f(x_1, x_2, t)$ - электромагнит майдонни ташкил қилувчи номаълум функциялар.

Коши тенгликлари қуйидаги кўринишда берилади [1-3]:

$$\varepsilon_{11} = -x_3 \frac{\partial^2 w}{\partial x_1^2}; \varepsilon_{12} = -x_3 \frac{\partial^2 w}{\partial x_1 \partial x_2}; \varepsilon_{22} = -x_3 \frac{\partial^2 w}{\partial x_2^2}; \quad (1.1.2)$$

Гук қонунини эса қуйидагича ёзамиз [1].

$$\sigma_{11} = \frac{E}{1-\nu^2}(\varepsilon_{11} + \nu\varepsilon_{22}); \sigma_{12} = \frac{E}{2(1+\nu)}\varepsilon_{12}; \sigma_{22} = \frac{E}{1-\nu^2}(\varepsilon_{22} + \nu\varepsilon_{11}); \quad (1.1.3)$$

Бу ерда ν – пуассон коэффициентини, ρ – материал зичлиги, σ – ўрталикнинг электр ўтказувчанлик коэффициентини, μ – магнит ўтказувчанлик коэффициентини, E – эгилиш модули, ε – диэлектрик ўтказувчанлик. Бу келтирилган катталиқларнинг ҳаммаси координатдан, вақтдан ва электромагнитмайдан элементларига боғлиқ эмас.

Юпқа пластинканинг кучиш тенгламасини келтириб чиқариш учун юқорида берилган Гамильтон–Остроградский [1] тамойлидан фойдаланамиз.

$$\delta \int_t (K - \Pi + A) dt = 0 \quad (1.1.4)$$

Бу ерда K, Π – кинетик ва потенциал энергиялар; A – ташқи ва хажмий кучлар натижасида бажарилган иш. Вариация кўринишидагиси қуйидагича бўлади

$$\int_t \delta K dt = \int_t \int_V \rho \left(\frac{\partial u_1}{\partial t} \delta \frac{\partial u_1}{\partial t} + \frac{\partial u_2}{\partial t} \delta \frac{\partial u_2}{\partial t} + \frac{\partial u_3}{\partial t} \delta \frac{\partial u_3}{\partial t} \right) dv dt;$$

$$\int_t \delta \Pi dt = \int_t \int_V (\sigma_{11} \delta \varepsilon_{11} + \sigma_{22} \delta \varepsilon_{22} + \sigma_{33} \delta \varepsilon_{33}) dv dt;$$

Бажарилган ишнинг вариацияси:

$$\int_t \delta A dt = \iiint_t V [(X + \rho K_x) \delta u_1 + (Y + \rho K_y) \delta u_2 + (Z + \rho K_z) \delta u_3] dv dt$$

$$+ \iiint_t [(q_x + T_{zx}) \delta u_1 + (q_y + T_{zy}) \delta u_2 + (q_z + T_{zz}) \delta u_3] dx_1 dx_2 dt +$$

$$+ \iiint_t [(P_x + T_{xx}) \delta u_1 + (P_y + T_{xy}) \delta u_2 + (P_z + T_{xz}) \delta u_3] dx_3 dx_2 dt +$$

$$+ \iiint_t [(F_x + T_{yx}) \delta u_1 + (F_y + T_{yy}) \delta u_2 + (F_z + T_{yz}) \delta u_3] dx_3 dx_1 dt$$

Бу ерда $X, Y, Z, \rho K_x, \rho K_y, \rho K_z$ - хажмий кучлар компоненталври;

$$q_x = q_x^+ + q_x^-; q_y = q_y^+ + q_y^-; q_z = q_z^+ + q_z^-; T_{zx} = T_{zx}^+ + T_{zx}^-;$$

$$T_{zy} = T_{zy}^+ + T_{zy}^-; T_{zz} = T_{zz}^+ + T_{zz}^-;$$

Жисм устига таъсир қилувчи компонентлар;

$$P_x, P_y, P_z, T_{xx}, T_{xy}, T_{xz}, F_x, F_y, F_z, T_{yx}, T_{yy}, T_{yz}, - \quad \text{контур} \quad \text{кучлар}$$

компоненталари.

Юқоридаги (1.1.1)-(1.1.3) тенгликларни, кинетик ва потенциалъ энергия вариацияларини, ташқи кучлардан ташкил топган ишни Гамильтон-Остроградскийнинг вариацион тамойлига (1.1.4) олиб бориб куйилади.

Кейин бўлаклаб интеграллашдан ва баъзибир ўхшашларини йиғиштиришлардан сўнг V - хажмда ечимга эга бўлган вариацион тенгламага эга бўламиз.

Магнитэластик (1.1) тамойлига асосан w, φ, ψ функцияларга нисбатан ечиладиган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системаси кўринишига эга бўлади:

$$\Delta\varphi - \frac{\varepsilon\mu}{c^2} \frac{\partial^2\varphi}{\partial t^2} - \frac{4\pi\sigma\mu}{c^2} \frac{\partial\varphi}{\partial t} = -\frac{\mu}{c} \frac{\partial}{\partial t} \left[\frac{4\pi\sigma}{c^2} B_{02} \frac{\partial w}{\partial t} - \frac{\varepsilon\mu - 1}{\varepsilon\mu} \left(B_{02} \frac{\partial^2 w}{\partial x_1^2} - B_{01} \frac{\partial^2 w}{\partial x_1 \partial x_2} - \frac{\varepsilon\mu}{c^2} B_{02} \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} \right) \right],$$

$$\Delta\psi - \frac{\varepsilon\mu}{c^2} \frac{\partial^2\psi}{\partial t^2} - \frac{4\pi\sigma\mu}{c^2} \frac{\partial\psi}{\partial t} = \frac{\mu}{c} \frac{\partial}{\partial t} \left[\frac{4\pi\sigma}{c^2} B_{01} \frac{\partial w}{\partial t} + \frac{\varepsilon\mu - 1}{\varepsilon\mu} \left(B_{02} \frac{\partial^2 w}{\partial x_1 \partial x_2} - B_{01} \frac{\partial^2 w}{\partial x_2^2} + \frac{\varepsilon\mu}{c^2} B_{01} \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} \right) \right],$$

(1.1.5)

$$\begin{aligned} D\Delta^2 w + 2\rho h \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} &= P + \frac{2h^3\sigma}{3c} \left(B_{02} \frac{\partial^2\varphi}{\partial x_1^2} - B_{01} \frac{\partial^2\varphi}{\partial x_1 \partial x_2} + B_{02} \frac{\partial^2\psi}{\partial x_1 \partial x_2} - B_{01} \frac{\partial^2\psi}{\partial x_2^2} \right) + \\ &+ \frac{2h^3\sigma}{3c^2} \frac{\partial}{\partial t} \left[\left(\frac{1}{\varepsilon\mu} B_{02}^2 + B_{03}^2 \right) \frac{\partial^2 w}{\partial x_1^2} + \left(\frac{1}{\varepsilon\mu} B_{01}^2 + B_{03}^2 \right) \frac{\partial^2 w}{\partial x_2^2} - \frac{2}{\varepsilon\mu} B_{01} B_{02} \frac{\partial^2 w}{\partial x_1 \partial x_2} \right] + \\ &+ \frac{2h\sigma}{c} \left[B_{02} \left(\varphi - \frac{B_{02}}{c} \frac{\partial w}{\partial t} \right) - B_{01} \left(\psi + \frac{B_{01}}{c} \frac{\partial w}{\partial t} \right) \right], \end{aligned}$$

Бу тенгламалар системаси қаралаётган пластинканинг мос чегаравий ва бошланғич шартлари билан биргаликда ечилади. (1.1.5) тенгламалар системаси учун кенг тарқалган чегаравий шартлар қуйида келтирилган:

1) Пластинка текислигида унинг чегараси қаттиқ маҳкамланган[8,12]:

$$w|_r = 0, \varphi|_r = 0, \psi|_r = 0, \frac{\partial w}{\partial n}|_r = 0, \quad (1.1.6)$$

2) Эркин таянч (сирғалувчи шарнир):

$$w|_{\Gamma} = 0, M|_{\Gamma} = 0, \varphi|_{\Gamma} = 0, \psi|_{\Gamma} = 0, \quad (1.1.7)$$

3) Сирғанувчан маҳкамланган:

$$w|_{\Gamma} = 0, \frac{\partial w}{\partial n}|_{\Gamma} = 0,$$

$$(1.1.8)$$

$$\sigma_n|_{\Gamma} = 0, \quad \tau_n|_{\Gamma} = 0. \quad (1.1.9)$$

Бу ерда

$$\sigma_n = \sigma_{11}l_1^2 + \sigma_{22}l_2^2 + 2\sigma_{12}l_1l_2,$$

$$\tau_n = \sigma_{12}(l_1^2 - l_2^2) + (\sigma_{22} - \sigma_{11})l_1l_2,$$

τ - пластинканинг Γ чегарасига уринма; $l_1 = \cos \alpha$, $l_2 = \sin \alpha$;

$$\sigma_{11} = B_{11} \frac{\partial u}{\partial x} + B_{16} \frac{\partial u}{\partial y} + B_{16} \frac{\partial v}{\partial x} + B_{12} \frac{\partial v}{\partial y} + \frac{1}{2} \left[B_{11} \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 + 2B_{16} \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial w}{\partial y} + B_{12} \left(\frac{\partial w}{\partial y} \right)^2 \right];$$

$$\sigma_{22} = B_{12} \frac{\partial u}{\partial x} + B_{26} \frac{\partial u}{\partial y} + B_{26} \frac{\partial v}{\partial x} + B_{22} \frac{\partial v}{\partial y} + \frac{1}{2} \left[B_{12} \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 + 2B_{26} \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial w}{\partial y} + B_{22} \left(\frac{\partial w}{\partial y} \right)^2 \right];$$

$$\sigma_{12} = B_{16} \frac{\partial u}{\partial x} + B_{66} \frac{\partial u}{\partial y} + B_{26} \frac{\partial v}{\partial x} + B_{66} \frac{\partial v}{\partial y} + \frac{1}{2} \left[B_{16} \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 + 2B_{66} \frac{\partial w}{\partial x} \frac{\partial w}{\partial y} + B_{26} \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 \right].$$

4) Шарнир воситаси билан маҳкамланган:

$$\begin{aligned}
w|_{\Gamma} &= 0, \\
M_n|_{\Gamma} &= 0, \\
u|_{\Gamma} &= 0, v|_{\Gamma} = 0.
\end{aligned}
\tag{1.1.10}$$

Бу ерда $M_n = M_{11} \cos^2 \alpha + M_{12} \cos \alpha \sin \alpha + M_{22} \sin^2 \alpha$.

Бундан ташқари пластинка чегарасини маҳкамлаш усулларига нисбатан, аралаш чегаравий шартлар ҳам бўлиши мумкин.

Шу билан бирга қуйида берилган бошланғич шартларда ечилади:

$$\begin{aligned}
\dot{\varphi} &= \dot{\varphi}_0, \dot{\psi} = \dot{\psi}_0, \dot{w} = \dot{w}_0 \\
\varphi &= \varphi_0, \psi = \psi_0, w = w_0.
\end{aligned}
\tag{1.1.11}$$

бу ерда u_1, u_2, u_3 – пластинканинг кўчиш вектори компоненталари, e_1, e_2, e_3 – электромагнит майдон компоненталари, $w = w(x_1, x_2, t)$, $u = u(x_1, x_2, t)$, $v = v(x_1, x_2, t)$ – пластинка ўрта текислигидаги изланиётган номаълум компоненталари, $\varphi = \varphi(x_1, x_2, t)$, $\psi = \psi(x_1, x_2, t)$, $f = f(x_1, x_2, t)$ – изланиётган электромагнит майдоннинг номаълум компоненталари, σ – пластинка материалининг электр ўтказувчанлиги, s – ёруғлик тезлиги, B_{0i} – магнит индукцияси компоненталари (пластинка ички соҳаси учун) $B_0 = (B_{01}, B_{02}, B_{03})$, ($i=1,2,3$), ρ – пластинка материали зичлиги, P – ташқи механик куч, ε – диэлектрик ўтказувчанлик, μ – магнит ўтказувчанлик, D – пластинка қаттиқлиги, n – пластинканинг Γ чегарасига ташқи нормал, t – вақт.

1.2 Асосий чегаравий шартлар учун структура ечимлари

Берилган чегаравий шартларни қаноатландирадиган структура ечимларини қараб ўтайлик.

Бу ерда структура ечимини қуришда иштирок этадиган функция дифференциалланувчи функция булиши шарт. Асосан бир жинсли бўлган чегаравий шартлар учун структура ечимларини қараб ўтамиз[12-14].

1.Қаттиқ маҳкамланган пластинка учун чегаравий шартлар учун ечим структураси.

Айтайлик ҳақлаган шаклдаги Ω соҳала пластинка учун барча $\partial\Omega$ чегаравий контури буйича қаттиқ маҳкамланган бўлсин. У ҳолда пластинканинг эгилиши функцияси W қуйидаги чегаравий шартларни қаноатландиради.

$$W = 0 \quad (1.2.1)$$

$$\frac{\partial W}{\partial n} = 0 \quad (1.2.2)$$

(1.2.1) шартдан $W(x)$ функцияси $\partial\Omega$ да барча қийматлари нольга тенглигини билдиради. Агарда $\omega(x) = 0$ $\partial\Omega$ контурининг қандайда бир функцияси бўлса ва

$$\omega(x) > 0, \quad x \in \Omega, \quad (1.2.3)$$

$$|\Delta\omega| = 1, \quad x \in \partial\Omega, \quad (1.2.4)$$

у ҳолда функциялар тўплами қуйидаги формула билан аниқланади.

$$W = \omega\Phi \quad (1.2.5)$$

Φ -функциясини шундай танлансинки (1.2.5) шarti бажарилсин, бу

ерда W -берилган масаланинг ечими.

У ҳолда Φ -функцияси куйидаги формула билан ифодаланади.

$$\Phi = \begin{cases} \frac{W}{\omega}, & x \in \Omega \\ 0, & x \in \partial\Omega \end{cases}$$

Ечимга W га D_1 операторини қулаймиз. Бу оператор куйидагича бўлади.

$$D_1 W = (\nabla, \nabla \omega) W = \frac{\partial W}{\partial x_1} \frac{\partial \omega}{\partial x_1} + \frac{\partial W}{\partial x_2} \frac{\partial \omega}{\partial x_2}$$

$D_1 W$ ифодаси D_1 операторини хоссасига кўра $\partial\Omega$ да $\frac{\partial W}{\partial n}$ ҳосиласига айланади ва (1.2.3) шартини асосида $D_1 W|_{\partial\Omega} = 0$ тенг бўлади.

$D_1 W$ функциясига юқорида W функциясига берилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда шундай ψ_1 функциясини топамиз ва куйидаги шарт бажарилади.

$$D_1 W \equiv \omega \psi_1 \tag{1.2.6}$$

Буни (1.2.5) олиб бориб куйиб куйидагига эга бўламиз.

$$D_1(\omega\Phi) = \Phi D_1 \omega + \omega D_1 \Phi = \omega \psi_1$$

(1.2.4) шартига кўра $D_1 \omega = 1 + \omega \tau$ келиб чиқади ва (1.2.6) шартидан

$$\Phi = \omega \psi_1$$

келиб чиқади бу ерда $\psi = \psi_1 - D_1\Phi - \tau\Phi$. Топилган ифодани (1.2.5) га куйиб

$$W = \omega^2\psi$$

эга бўламиз. Охирги формуладаги ψ ни Φ га алмаштириб куйидаги формулага эга бўламиз.

$$W = \omega^2\Phi \quad (1.2.6)$$

Шундай қилиб келтириб чиқарилган формула юқорида берилган чегаравий шартлар учун тўла структура ечимини аниқлайди.

2 Эркин қуйилган ва маҳкамланган пластинкалар учун чегаравий шартлар

Бу турдаги чегаравий шартлар учун эгилиш функцияси $W(x)$ чегарада $\partial\Omega$ куйидаги шартларни қаноатландириши керак

$$W(x) = 0$$

$$\frac{\partial^2 W}{\partial n^2} + \frac{\partial^2 W}{\partial \tau^2} = 0$$

Берилган чегаравий шарт учун ечимлар структурасини келтириб чиқариб ўтирмаймиз.

Бу кўринишдаги чегаравий шарт учун ечим структураси куйидаги кўринишга эга бўлади.

$$W = \omega\Phi_1 - \frac{\omega^2}{2} [D_2(\omega\Phi_1) + \nu T_2(\omega\Phi_1) - \omega\Phi_2] \quad (1.2.7)$$

3 Эркин маҳкамланган ва қаттиқ маҳкамланган пластинкалар

учун чегаравий шартлар

Майли пластина контури $\partial\Omega$ иккита $\partial\Omega_1$ ва $\partial\Omega_2$ бир бир билан кесишмайдиган иккита контурлардан ташкил топган бўлсин. Битта контурда қаттиқ маҳкамланган бўлсин иккинчисида эса қаттиқ эмас бўлсин.

Чегарвий шартлар қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$W = 0, \quad \frac{\partial W}{\partial n} = 0, \quad x \in \partial\Omega_1$$
$$W = 0, \quad \frac{\partial^2 W}{\partial n^2} + \frac{\partial^2 W}{\partial \tau^2} - \left(\frac{1-\nu}{\rho^0} + k^0 \right) \frac{\partial W}{\partial n} = 0, \quad x \in \partial\Omega_2$$

Бу ерда мос ҳолда ν, ρ^0, k^0 – Пуассон коэффициенти, $\partial\Omega_2$ нинг кривизна радиуси ва пластинка маҳкамланганлик даражаси; n - $\partial\Omega$ га ташқи нормаль.

Бу аралаш чегаравий шарилар учун ечим структураси қуйидачича бўлади.

$$W = \frac{\omega_1^2}{\omega_1^2 + \omega_2^3} \left\{ \omega_2 \Phi_1 + \omega_2^3 \Phi_2 - \frac{\omega_2^2}{2} \left[\Phi_1 \left(D_2^{(2)} \omega_2 - \frac{\nu}{\rho} + k \right) + 2D_1^{(2)} \Phi_1 \right] \right\}$$

1.3. Координат функциялар кетма-кетлигини куриш

Электродинамик майдоннинг ўзгариши, иссиқликнинг жисмда тарқалиши ва механик кучларнинг жисмга таъсир қилиш масалаларини ечиш мураккаб масалалардан ҳисобланади. Ҳар хил кучларнинг майдонга таъсирида унинг ўзгариши фақат физик қонунларга боғлиқ эмас, у берилган жисмнинг шаклига ҳам боғлиқ бўлади.

Математик нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак майдонларни ҳисоб китоб қилиш бу Ω соҳасида хусусий ҳосилали дифференциал тенгламага эга чегаравий масалаларни ечишга олиб келинади[12-14].

$$Au = f \quad (1.3.1)$$

қуйидаги чегаравий шартларда

$$L_i u = \varphi_i \quad \partial\Omega_i \quad (i=1,2,\dots,n) \quad (1.3.2)$$

Бу ерда $\partial\Omega_1, \partial\Omega_2, \dots, \partial\Omega_n$ - Ω соҳанинг $\partial\Omega$ чегарасини ташкил қилади.

Чегаравий масаланинг куринишига қарай ечим скаляр функция, вектор функция ёки тензор булиши мумкин. Кейинчали биз ечимни «*функция*» термини билан атаймиз.

Юқорида масалани қуйилишида келтирилган u, f, φ_i функцияларни ва A, L_i операторларини чегаравий масалани *аналитик компоненталари*, Ω соҳасини, унинг чегарасини $\partial\Omega$ ва чегарасини ташкил қилувчи қисмларини $\partial\Omega_i$ - *геометрик компоненталар* деб юритамиз. Бу икки хил маълумотлар – аналитик ва геометрик маълумотлар ҳисоблаш алгоритмига геометрик маълумотларни киритишда қўплаган қийинчиликлар тўғдиради. Классик усулларда Фурье, интегралли акслантиришларда ва бошқа усулларда геометрик маълумотларни ҳисобга

олиш координат системасини туғри танлаш билан, комформ акслантиришда акслантириш функцияларини куриш йули билан, вариацион усулларда бўлсакоординат кетма – кетлигини туғри танлай олиш билан ечиш мумкин.

R-функция ёрдамида чегаравий масалаларни тақрибий аналитик ечганда геометрик компоненталарни эффектив ва осон гина ҳисобга олади.

Айтайлик $S_2(t) \equiv (t \geq 0), t \in R^1$, $t \geq 0$ булганда 1 қийматга эга акс ҳолда $t < 0$ булганда ноль қийматга эга предикат бўлсин.

$x = (x_1, x_2, \dots, x_n)$; $S_2(x) = \{S_2(x_1), S_2(x_2), \dots, S_2(x_n)\}$. У ҳолда $y = f(x)$ функцияси R-функция дейилади, агарда шундай Буль функцияси $Y = F(X)$, $X = (X_1, X_2, \dots, X_n)$ мавжуд бўлиб, қуйидаги шарт бажарилса

$$S_2[f(x)] = F[S_2(x)]. \quad (1.3.3)$$

Бу ерда, $Y = F(X)$ функцияси Буль функция бўлади, агарда X_i ва $B_2 = \{0; 1\}$ тўпلام элементлари, фақат гина иккита элементдан ташкил топса 0 ва 1.

Юқоридаги (1.3.3) шартдан шу нарса номаён бўладики ҳар бир R-функцияга Буль функцияси мос келади. Тескариси ўринли эмас битта Буль функциясига чексиз кўп R-функциялар тўплами мос келади. R-функциялардан ташкил топган система етарлича тўла дейилади, агарда $M(N)$ тўпلامдан N-функцияси R-функциянинг ҳар бир шохи билан кесишмаси бўш тўпلام бўлмаса. Системанинг етарлича тўла булиш шarti бу N^* системаси барча Буль функцияларида тўла бўлиши керак. Ҳақлаган Буль функцияси мураккаб функция кўринишида берилиши мумкин.

Бул функциялар тўпламида энг кўп қўлланиладиган тўла система қуйидаги система ҳисобланади


$$H^* = \{X \wedge Y, X \vee Y, \bar{X}\}$$

Бу ерда $X \wedge Y$ конъюнкция, $X \vee Y$ дизъюнкция ва \bar{X} бекор қилиш.

Бу Буль функцияларига оддий геометрик интерпретация бериш мумкин.

Масалан

Қуйидаги расмда берилган Ω соҳаси предикатлар билан берилади



$$\Omega = (\Sigma_1 \wedge \Sigma_2) \wedge \Sigma_3$$

$$\Sigma_1 \equiv (4 - x_1^2 \geq 0), \Sigma_2 \equiv (4 - x_2^2 \geq 0), \Sigma_3 \equiv (1 - x_1^2 - x_2^2 \geq 0) \quad (1.3.4)$$

Σ_1 - эни 2 тенг бўлган горизонтал йўлак (полоса) ; Σ_2 - эни 2 тенг бўлган вертикал йўлак (полоса); Σ_3 - маркази $(0,0)$ жойлашаган радиуси 1 га тенг бўлган доира.

Бу ерда предикат тенгламаларидан аналитик куришга ўтиш қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади [12-14]

$$x \wedge_{\alpha} y \equiv \frac{1}{1+\alpha} (x + y - \sqrt{x^2 + y^2 - 2\alpha xy}) \quad (\mathbb{R}\text{- конъюнкция})$$

$$x \vee_{\alpha} y \equiv \frac{1}{1+\alpha} (x + y + \sqrt{x^2 + y^2 - 2\alpha xy}) \quad (\mathbb{R}\text{- дизъюнкция})$$

$$\bar{x} \equiv -x \quad (\mathbb{R}\text{- бекор этиш}) \quad (1.3.5)$$

Бу ерда $\alpha \equiv \alpha(x, y)$ - функция $-1 < \alpha \leq 1$ орлиғида жойлашган.

Хусусий ҳолини қараб ўтайлик $\alpha = 0$.

$$x \wedge_0 y \equiv (x + y - \sqrt{x^2 + y^2}) \quad (\text{R- конъюнкция})$$

$$x \vee_0 y \equiv (x + y + \sqrt{x^2 + y^2}) \quad (\text{R- дизъюнкция})$$

$$\bar{x} \equiv -x \quad (\text{R- бекор этиш}) \quad (1.3.6)$$

У ҳолда юқорида расмда берилган Ω соҳасини чегаравий тенгламаси

$$\varpi = [(4 - x_1^2) \wedge_0 (4 - x_2^2)] \wedge_0 (1 - x_1^2 - x_2^2) = 0, \quad (1.3.7)$$

билан берилади.

Энди (1.3.6) формуласидан фойдаланиб (1.3.7) тенгламасидан R- операцияларни йуқатиб $\omega(x_1, x_2) = 0$, кўринишидаги аналитик тенгламага эга бўламиз. Бу ерда $\omega(x_1, x_2)$ - оддий элементар функция. Шу билан Ω соҳани ичкарасида $\omega(x_1, x_2) > 0$ бўлади, Ω соҳани ташқарисида эса $\omega(x_1, x_2) < 0$..

Соҳани $\partial\Omega$ чегарасини тенгламаси $\omega(x) = 0$ учун нормаллашган тенгламасини кўриш кўпчиликни қизиқишини уйғатади. Тариф буйича, $\omega(x) = 0$ тенгламаси $\Omega \equiv [\omega(x) \geq 0]$ соҳасида биринчи тартиблигача нормаллашган дейилади агарда

$$\omega(x) > 0 \quad \Omega \text{ соҳаси ичида бўлса;}$$

$$\omega(x) < 0 \quad \partial\Omega \text{ чегарада бўлса}$$

$$\frac{\partial\omega}{\partial\nu}\Big|_{\partial\Omega} = 1$$

(ν - $\partial\Omega$ ички нормал).

Агарда

$$\frac{\partial^2 \omega}{\partial \nu^2} \Big|_{\partial \Omega} = \frac{\partial^3 \omega}{\partial \nu^3} \Big|_{\partial \Omega} = \dots = \frac{\partial^n \omega}{\partial \nu^n} \Big|_{\partial \Omega} = 0 \quad (1.3.8)$$

бўлса $\omega(x) = 0$ тенгламаси *n-тартиблигача нормаллашган* дейилади.

Энди берилган масала учун нормаллашган тенгламасини кўрамиз.

$$\Sigma_1 \equiv \left[\frac{1}{4}(4 - x_1^2 \geq 0) \right], \Sigma_2 \equiv \left[\frac{1}{4}(4 - x_2^2 \geq 0) \right], \Sigma_3 \equiv \left[\frac{1}{2}(1 - x_1^2 - x_2^2 \geq 0) \right]$$

Соҳани чегаравий тенгламасини биринчи тартибли нормаллашган тенгламаси куйидаги куригишга эга бўлади

$$\varpi = \left[\frac{1}{4}(4 - x_1^2) \wedge_0 \frac{1}{4}(4 - x_2^2) \right] \wedge_0 \frac{1}{2}(1 - x_1^2 - x_2^2) = 0, \quad (1.3.9)$$

Энди масалани чегаравий шартини қаноатландирадаган тенгламани куришимиз керак

$$u(x) \equiv \varpi(x)\Phi(x)$$

Бу ерда $\Phi(x)$ функцияси номаълум компоненталардан ташкил топган функция. Компоненталарни узгартириш орқали чегарада $u(x)=0$ шартини қаноатландирадиган функцияни оламиз.

Бир жинсли бўлмаган шартларда эса

$$u(x) \equiv \varphi(x) + \varpi(x)\Phi(x)$$

Ечим кўринишда қидирилади.

Умумий ҳолда чегаравий масалани ечимлар структураси—бу куйидаги формула

$$u(x) \equiv B(\Phi) + \varphi_0 \quad (1.3.10)$$

бу ерда φ_0 - маълум функция; B – оператор, $\partial\Omega$ чегара шаклидан ва $\partial\Omega_i$ чегара қисмларидан боғлиқ оператор. Бу оператор шундай қурилганки номаълум функцияларни ҳақлаган қурилишда олсакда уринли бўлади.

Масалани ҳамма чегаравий шартларини қаноатландирадиган структура умумий структура дейилади. Структурага бир нечта шартлар қуйилади тўлалик шарти, бу ёрдамида Φ номаълум компонентни танлашга ёрдам бериб (1.3.10) структурасини масалани аниқ ечимига ҳам айлантириш мумкин.

Номаълум бўлган структуранинг Φ -компонентасини танлаш тақрибий усулларнинг бири ёрдамида амалга оширилади. Кўпчилик масалаларда R -функция усули фойдаланилган масалаларда вариацион усуллар қўлланилган, бошқа усулларни ҳам қўллаш мумкин (тўр, айирмали-аналитик, чекли элементлар ва ҳ.).

Ечимлар структураси қурилгандан кейин номаълум коэффициентларни аниқлаш муаммоси туради. Структурали формулаларни фойдаланган муаллифларнинг кўпчилиги вариацион усуллардан фойдаланган (Ритц, Бубнов-Галеркин усуллари). Бу усулларда номаълум функциялар қуйидаги қўрилишда берилади.

$$\Phi(x) = \sum_{i=1}^n C_i \psi_i(x), \quad (1.3.11)$$

Бу ерда $\psi_i(x)$ ($i=1,2,\dots$) - тўла функциялар кетма-кетлиги (Чебышев, Лежандр, тригонометрик полиномлар ва ҳ.) даги номаълум коэффициентлар C_i вариацион усулларнинг оддий схемаси буйича топилади.

Асосий қийинчиликлардан бири ω, ω_i, ψ_i функцияларига боғлиқ дифференциллаш ва интеграллашларда катта аналитик ифодаларнинг

пайда бўлиши. Бу ерда элементар функцияларни дифференциаллашда аниқ алгоритмлар билан амалга оширилади шу сабабли ҳисоблашларда кўп машина вақти кетади.

Интеграллашлар эса тақрибий формулалар ёрдамида амалга оширилади. Интеграллашларда кадамнинг катта кичтклигига ҳам боғлиқ бўлади агарда кадам кичик бўлса ҳисоблашлар кўп вақтни олади, агарда катта бўлса интеграллашлар ноаниқ бўлиб ҳисоблаш экспериментлари тунғунсиз бўлиши мумкин.

Вариацион усуллардан бирини қўллагандан сўнг натижада n та номаълумли n тенгламалар системасига эга бўламиз ва бу система ўз навбатида Гаусс усули ёрдамида ечилади, агарда динамик маслала ечилаётган бўлса Ньюмарк усулидан фойдаланилади[3,10].

Биринчи боб бўйича хулоса

Мазкур бобда юпқа пластинкаларнинг электромагнит майдондаги тебраниш масаласи бўйича умумий талқин берилган. Масаланинг қўйилиши ва юпқа мураккаб шаклли юпқа пластинка учун математик модели келтирилган ва асосий чегаравий шартлар, координат функциялар кетма-кетлигини қуриш қараб ўтилган.

2 БОБ МАГНИТ ЭЛАСТИК МАСАЛАСИНИНГ ҲИСОБЛАШ АЛГОРИТМИ

2.1 Электромагнит майдондаги юпка пластинка тебраниш масаласининг ҳисоблаш алгоритми

Бу параграфда магнитэластик юпка пластинканинг юқорида (1.1.5)-(1.1.7) келтирилган тебраниш тенгламаси ва унга мос равишда чегаравий шартлари (1.1.8), бошланғич шартлари учун ҳисоблаш алгоритми қаралади.

Ҳисоблаш алгоритм бир нечта бир-бирига боғлиқ масалаларни ечиш босқичларидан ташкил топган:

1.Магнитстатик масаласини ечиш:

- координат функциялар кетма-кетлигини қуриш (ечимлар тузилмаси (ечим структураси) $A=u(\omega, \Phi)$);

- Бубнов-Галеркин усули ёрдамида фазовий ўзгарувчилар бўйича дискретлаштириш (дискрет тенгламалар системасини қуриш);

- чизикли алгебраик тенгламалар системаси (ЧАТС)ни Гаусс усули ёрдамида ечиш;

- номаълум бўлган (V_{01}, V_{02}, V_{03}) қийматларини ечимлар тузилмасидан аниқлаш.

(V_{01}, V_{02}, V_{03}) нинг қийматлари аниқлангандан кейин уларни дифференциал тенгламалар системасига олиб бориб қўйиб магнитэластик масаласи ечилади.

2.Электромагнит майдонда жойлашган юпка эгилувчан пластинканинг тебраниш масаласини ечиш:

- координат функциялар кетма-кетлигини қуриш (ечимлар тузилмаси);

- Бубнов-Галеркин усули ёрдамида фазовий ўзгарувчилар бўйича дискретлаштириш;

- магнитэластик масаласи учун чизиқли дифференциал тенгламалар системасини (ЧДТС) Ньюмарк усули ёрдамида ечиш;
- ечимлар тузилмасидан номаълум функцияларни аниқлаш;
- олинган натижаларни жадвал ёки график кўринишларида чоп этиш.

Шундай қилиб, магнитэластик масалаларни ҳисоблаш алгоритми иккита босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда магнитстатик масаласи ечилиб, номаълум бўлган (V_{01}, V_{02}, V_{03}) нинг қийматлари топилади, иккинчи босқичда биринчи босқичда топилган (V_{01}, V_{02}, V_{03}) қийматлари хусусий ҳолдаги тенгламалар системасига олиб бориб қўйилиб, электромагнит майдондаги юпқа эластик пластинканинг тебраниш масаласи ечилади.

Мазкур бўлимда хусусий ҳосилали чизиқли дифференциал тенгламалар системаси мос чегаравий шартлари учун саморадорли ҳисоблаш алгоритми В.Л. Рвачевнинг R-функцияси билан биргаликда Бубнов-Галеркин усули ёрдамида ишлаб чиқилди. Натижада келиб чиққан ЧДТС Ньюмарк усули ёрдамида ечилади.

Масаланинг ҳисоблаш алгоритмини келтирмасдан олдин юқоридаги келтирилган тенгламанинг вектор кўринишда езиб оламиз. Бу учун $Y=[w, u, v, h_1^+, h_1^-, h_2^+, h_2^-, f]^T$ векторни киритамиз:

$$\begin{aligned}
& A_1 \frac{\partial^2 Y}{\partial t^2} + A_2 \frac{\partial^4 Y}{\partial t^2 \partial x_1^2} + A_3 \frac{\partial^4 Y}{\partial t^2 \partial x_2^2} + A_4 \frac{\partial^3 Y}{\partial t^2 \partial x_1} + A_5 \frac{\partial^3 Y}{\partial t^2 \partial x_2} + A_6 \frac{\partial^3 Y}{\partial t \partial x_1^2} + A_7 \frac{\partial^3 Y}{\partial t \partial x_1 \partial x_2} \\
& + A_8 \frac{\partial^3 Y}{\partial t \partial x_2^2} + A_9 \frac{\partial^2 Y}{\partial t \partial x_1} + A_{10} \frac{\partial^2 Y}{\partial t \partial x_2} + A_{11} \frac{\partial Y}{\partial t} + A_{12} \frac{\partial^4 Y}{\partial x_1^4} + A_{13} \frac{\partial^4 Y}{\partial x_1^2 \partial x_2^2} + A_{14} \frac{\partial^4 Y}{\partial x_2^4} + \\
& + A_{15} \frac{\partial^3 Y}{\partial x_1^3} + A_{16} \frac{\partial^3 Y}{\partial x_1^2 \partial x_2} + A_{17} \frac{\partial^3 Y}{\partial x_1 \partial x_2^2} + A_{18} \frac{\partial^3 Y}{\partial x_2^3} + A_{19} \frac{\partial^2 Y}{\partial x_1^2} + A_{20} \frac{\partial^2 Y}{\partial x_1 \partial x_2} + A_{21} \frac{\partial^2 Y}{\partial x_2^2} \\
& + A_{22} \frac{\partial Y}{\partial x_1} + A_{23} \frac{\partial Y}{\partial x_2} + A_{24} Y = F.
\end{aligned}
\tag{2.1.1}$$

Бу ерда A_i лар мос равишда матрицалар:

(2.1.1) тенгламасини ечмасдан олдин ўлчовсиз координаталар системаси кўринишга олиб келамиз. У учун қуйидаги белгилашларни киритамиз

$$\begin{aligned} \bar{x}_1 &= \frac{x_1}{a}; \bar{x}_2 = \frac{x_2}{b}; \bar{w} = \frac{w}{2h}; \bar{t} = \frac{t}{t_0}; \\ x_1 &= a\bar{x}_1; x_2 = b\bar{x}_2; w = 2h\bar{w}; t = t_0\bar{t}; \end{aligned} \quad (2.1.2)$$

Бу ерда a, b, h – узунликни ифодаловчи қийматлар.

Берилган масала учун ечимлар структураси В.Л.Рвачевнинг R-функцияси асосида қурилган бўлиб, қуйидагича езилади [8,9]

$$w = \varpi^2 \Phi_1$$

Бу ерда Φ_1 - структуранинг номаълум компоненталари бўлиб қуйидагича ифодаланади

$$\Phi_1 = \sum_{i=0}^{n_s} \sum_{j=0}^{n_s-i} C_{ij}^{(s)} \varphi_i^{(s)}(x) \varphi_j^{(s)}(y), \quad (2.1.3)$$

Бу ерда $\varphi_i(x), \varphi_j(y)$ - базис полиномларининг тўлиқ системаси, хусусий ҳолда даражали, тригонометрик ва ҳакоза бўлиши мумкин.

Энди ечимлар структурасини киритилган векторлар асосида қуйидаги кўринишда ёзамиз.

$$Y = \left[\sum_{k=1}^{N_1} C_k^{(1)} w_k, \sum_{k=1}^{N_2} C_k^{(2)} u_k, \sum_{k=1}^{N_3} C_k^{(3)} v_k, \sum_{k=1}^{N_4} C_k^{(4)} h_{1k}^+, \sum_{k=1}^{N_5} C_k^{(5)} h_{1k}^-, \sum_{k=1}^{N_6} C_k^{(6)} h_{2k}^+, \sum_{k=1}^{N_7} C_k^{(7)} h_{2k}^-, \sum_{k=1}^{N_8} C_k^{(8)} f_k \right]^T.$$

Ечимлар структурасини тенгламага олиб бориб қуйиб ва баъзибир амалларни бажаргандан кейин қуйидаги кўринишдаги оддий дифференциал тенгламага

$$A\ddot{C} + B\dot{C} + MC = F \quad (2.1.4)$$

ва бошланғич шартлари эга бўламиз.

$$C|_{t=t_0} = C_0; \dot{C}|_{t=t_0} = \dot{C}_0;$$

$$C = \{C^{(1)}, C^{(2)}, C^{(3)}, C^{(4)}, C^{(5)}, C^{(6)}, C^{(7)}, C^{(8)}\}, \quad (2.1.5)$$

$$A = \left\{ \iint_{\Omega} \left[A_1 Y_i + A_2 \frac{\partial^2 Y_i}{\partial x_1^2} + A_3 \frac{\partial^2 Y_i}{\partial x_2^2} + A_4 \frac{\partial Y_i}{\partial x_1} + A_5 \frac{\partial Y_i}{\partial x_2} \right] U_j d\Omega \right\},$$

$$B = \left\{ \iint_{\Omega} \left[A_6 \frac{\partial^2 Y_i}{\partial x_1^2} + A_7 \frac{\partial^2 Y_i}{\partial x_1 \partial x_2} + A_8 \frac{\partial^2 Y_i}{\partial x_2^2} + A_9 \frac{\partial Y_i}{\partial x_1} + A_{10} \frac{\partial Y_i}{\partial x_2} + A_{11} Y_i \right] U_j d\Omega \right\},$$

$$M = \left\{ \iint_{\Omega} \left[A_{12} \frac{\partial^4 Y_i}{\partial x_1^4} + A_{13} \frac{\partial^4 Y_i}{\partial x_1^2 \partial x_2^2} + A_{14} \frac{\partial^4 Y_i}{\partial x_2^4} + A_{15} \frac{\partial^3 Y_i}{\partial x_1^3} + A_{16} \frac{\partial^3 Y_i}{\partial x_1 \partial x_2} + A_{17} \frac{\partial^3 Y_i}{\partial x_1 \partial x_2^2} + A_{18} \frac{\partial^3 Y_i}{\partial x_2^3} + A_{19} \frac{\partial^2 Y_i}{\partial x_1^2} + A_{20} \frac{\partial^2 Y_i}{\partial x_1 \partial x_2} + A_{21} \frac{\partial^2 Y_i}{\partial x_2^2} + A_{22} \frac{\partial Y_i}{\partial x_1} + A_{23} \frac{\partial Y_i}{\partial x_2} + A_{24} Y_i \right] U_j d\Omega \right\},$$

$$F = \left\{ \iint_{\Omega} F U_j d\Omega \right\}, (i, j = 1, 8).$$

$$C_0 = S^{-1} T_0^{(0)}, U_0 = \{w_0, u_0, v_0, h_{1_0}^+, h_{1_0}^-, h_{2_0}^+, h_{2_0}^-, f_i\}, S = \left\{ \iint_{\Omega} U_i U_j d\Omega \right\},$$

$$T_0^{(0)} = \left\{ \iint_{\Omega} U_0 U_j d\Omega \right\}, \dot{C}_0 = S^{-1} \dot{\Psi}_1, \Psi_1 = \left\{ \iint_{\Omega} \dot{U}_0 U_j d\Omega \right\}$$

Бу (2.1.4)-(2.1.5) масаласи Ньюмарк [10] усули ердамида ечилади.

Шундай қилиб, юпқа магнитэластик пластинка тебраниш масаласи учун ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди. Математик модел туртинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама ва мос равишда чегаравий, бошланғич шартлари билан берилади. Мазкур масала В.Л.Рвачевнинг R-функциясига асосланган Бубнов-Галеркин усули ердамида ечилади[3,7,10]. Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламалар системаси Ньюмарк усули билан ечилади.

2.2 Maple тизимида дастур тузилиши

Maple-бу компьютерда аналитик ва сонли ҳисоблашларни бажарувчи, 2000 дан кўпроқ командаларни ўз ичига олган ва алгебра, геометрия, математик анализ, дифференциал тенгламалар, дискрет математика, физика, статистика, математик физика масалаларини дастур тузмасдан ечиш имкониятини берувчи математик тизим (система)-пакетдир. Айтиш мумкинки, Maple бу юқорида санаб ўтилган соҳалардиги математик масалаларни ечиб берувчи катта калькулятордир. Maple такомиллашиб бормоқда, ҳозир унинг Maple 9.5, Maple 11-версиялари кенг тарқалган.

Maple-символли ва сонли ҳисоблашларни тез ва эффектив бажариш учун мўлжалланган ҳамда электрон хужжатларни тайёрлаш ва график визуаллаштириш, интерактив воситаларига эга бўлган компьютер математикасининг етакчи тизимларидан биридир. Maple тизимидан жаҳондаги 300дан ортиқ энг катта университетларда ўқув жараёнида фойдаланилмоқда ва мураккаб физик жараёнларни, тизимларни ва қурилмаларни моделлашда кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда фақат ҳисобга олинган, ушбу тизимдан фойдаланувчиларнинг сони 1млн дан ортиқ.

Maple ядросидан Mathematica, MATLAB, Mathcad ва бошқа тизимлар символли ҳисобларни амалга оширишда фойдаланмоқдалар. Maple

тизимини Канаданинг Waterloo Maple Inc фирмаси яратган ва у узок давом этган ривожланиш ва синовдан ўтиш даврини босиб ўтган. Албатта, Maple тизими ҳали жуда қудратли эмас, у айрим соҳаларда бошқалар каби оқсамоқда.

Ўзининг жиддий математик ҳисобларга йўналтирилганлигига қарамадан Maple тизими студентлар, ўқитувчиар, аспирантлар, илмий ходимлар ва шунингдек мактаб ўқувчилари учун ҳам зарурдир. Maple тизими математикани ўрганишда интерактив восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Maple тизимининг интерактив имкониятлари Tools>Assistants, Tools>Tutors менюсида жойлашган. Унинг Calculus>Single-Variable, Calculus>Multi-Variable, Calculus>Linear Algebra бўлимлари борки, улар ёрдамида бир ўзгарувчили, кўп ўзгарувчили функциялар, дифференциал тенглама, чизиқли алгебрага оид кўпгина масалаларни интерактив усулда талабаларга ўргатиш мумкин. Жумладан, ҳосилани геометрик маъноси ёрдамида тушунтириш мумкин: функция, нуқта берилади, компьютер кесувчи ўтказди, унинг лимит ҳолати уринма бўлади. Ёки, аниқ интегрални интеграл йиғиндининг лимити сифатида аниқлашда функцияни танлаш, нуқталар сони ва уларни турли хил усулларини танлаш, оммабоп тақрибий усуллардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Команда берилгач интеграл йиғиндининг қиймати ва интегралнинг аниқ қаймати келиб чиқади. Компьютерсиз бу ишни фақат чизиқли функциялар учун бажариш мумкин холос. Қанчалик фойдали ва қулай имконият.

Maple ойнасининг тузилиши.

